



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 27 март, № 62 (8685)

Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҲАР БИР КОРХОНА, ТАДБИРКОР ВА ХОНАДОН БИЛАН ЯҚИНДАН ИШЛАЙДИГАН ТИЗИМ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25-26 март кунлари Наманган вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифининг иккинчи куни Наманган вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари муҳофазаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Одамларнинг меҳнати ва тадбиркорлиги билан Наманганда ҳаёт ўзгараётгани қайд этилди. Охириги етти йилда вилоят иқтисодиёти 2 баробар, экспорт 3 қарра ўсиб, аҳоли жон бошига даромад 15,5 миллион сўмга етган. 65 триллион сўм инвестиция ҳисобига 600 минг иш ўрни яратилган.

Лекин ҳали кўп имкониятлар ишга солинмаган, жойларда камчиликлар ҳам бор. Масалан, вилоят экспортининг 86 фоизи тўқимачилик ва мева-сабзавотчилик ҳиссасига тўғри келади. Поп, Чортоқ, Норин ва Янгиқўрғонда сановатлашган даражаси паст. Вилоятда 56 минг томорқада махсуслот етиштирилмаяпти.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари энг асосий масала аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш эканини таъкидлади.

Сайхунобод тажрибаси асосида Наманганда ҳам катта ҳаракат бошланган. Вилоятнинг 14 та туманидаги 788 та маҳаллага банк филиаллари бириктирилган. Улар "маҳалла еттилик" билан бирга хонадонлардаги имкониятларни, оиланинг хоҳиш-истакларини ўрганмоқда.

Биринчи босқичда кам даромадли 4 мингта хонадон танлаб олинди, оила аъзолари жон бошига ойлик даромаднинг 2 миллион сўмга ошириш чоралари қўрилди. Кейинги босқичда яна 4 мингтага молиявий, техник, маслаҳат ва бошқа кўринишдаги амалий ёрдам берилди. Маҳаллаларда гулчилик, балиқчилик, асаларичи-

лик, чорвачилик, узумчилик, қулупнай ва картошка етиштириш имконияти, айниқса, яхши. Бунга имтиёзли кредитлар ажратилади.

— Бу ишларни қим қилиши керак? Президент вакили бўлган ҳокимлар, сектор раҳбарлари, 5 мингдан ортиқ иқтисодий идора ходимлари, маҳалладаги "еттилик" қилиши лозим. Бунинг учун барча масъуллар ҳар бир корхона, тадбиркор ва хонадон билан яқиндан ишлайдиган тизимни йўлга қўйиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгги йилларда тўқимачиликда хомашёни тўлиқ қайта ишлаш йўлга қўйилиб, экспорт ҳажми 1 миллиарддан 4 миллиард долларга кўпайди. Худди шундай, заргарликда ҳам салоҳият ҳозиргидан анча юқори. Юртимизда йилга 100 тонна олтин қазиб олинмоқда. Лекин унинг атиги 6 фоизи қайта ишланиб, бор-йўғи 78 миллион доллар экспорт бўлган.

Шу бос тадбиркорлар учун алоҳида шароитларга эга заргарлик зоналари ташкил қилиниши айтилди. Соҳага хомашё етказиши, мутахассис тайёрлаш, ишлаб чиқариш занжири ва сотиш тизими бутунлай қайта қўриб чиқилди. Бу борада қонунчиликка ҳам тақрифлар киритилди.

Тўла фойдаланилмаётган имкониятлардан яна бири йўллар ва туризмдир. Ангрэн шаҳридан то Тўрақўрғонгача 100 километр юрилади, автомобиль оқими кунига 10 мингдан ошади. Тадбиркорлар бу йўл бўйида ошхоналар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўпайтириб, 10 минг аҳолини доимий банд қилишга тайёр. Буни тартибли ташкил қилиш учун мастер-режа ишлаб чиқиб, ерларни аукционга чиқариш вазифаси қўйилди.

Наманган вилоятининг тоғли ва хушманзара ҳудудларида туризмни ривожлантириш, сайёҳларга қўлайлик яратиш учун авиа ва темир йўл

қатновларини кўпайтириш зарурлиги айтилди.

Вилоятда саноат салоҳияти ҳам юқори. Сўнгги йилларда 72 та кичик ва ёшлар саноат зонаси ишга тушди.

Лекин 16 та саноат зонасида 78 гектарда қўшимча лойиҳа жойлаштириш имконияти бор. 29 та норуда қонига саноат кириб бормаган. Вилоятнинг қўшни давлатларга экспорти 568 миллион доллар. Бу бор имкониятга мутлақо тўғри келмайди.

Шу бос конларни савдога чиқариш, қўшимча божхона постлари ва савдо уйлари очиб, Наманган халқаро аэропортида юк терминали ва Қамчиқ довоғига яқин жойда логистика маркази ташкил этиш чоралари белгиланди. Тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, электр техникаси, қурилиш материаллари тармоқларидаги лойиҳалар бўйича кўрсатмалар берилди.

Кўни кеча Норин дарёсида ГЭСлар каскади, Поп туманида минг мегаваттлик 2 та кўш электр станцияси қурилиши бошланди. Келгуси йилда Катта Андижон каналида 51 мегаваттлик кичик ГЭСлар каскади ҳам ишга туширилиши режалаштирилган. Буни давом эттириб, гидроэнергетикани ҳар бир сой, ҳар бир маҳаллага олиб кирадиган тизим қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигидаги масалалар муҳофизат қилинар экан, каналларни бекетлаш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ишлари мутлақо қонкурс экани кўрсатиб ўтилди.

Учқўрғон, Поп, Уйчи ва Мингбулоқда Словения тажрибаси асосида интенсив балиқчилик йўлга қўйилиши, бу тармоқда 4 та йирик лойиҳа ишга туширилиши айтилди.

Наманганда 1,5 миллион тонна мева-сабзавотдан 10 фоизи экспорт қилинган. Агар иш тўғри ташкил қилин-

са, экспортни 3 — 5 баробар ошириш мумкин. Шу мақсадда вилоят мева-сабзавот экспорти географияси Хитой, Германия, Италия, Испания ва Араб давлатларига кенгайтирилади. 54 минг гектар ернинг агрокимёвий харитаси ишлаб чиқилиб, 18 минг гектари "GSP+" талабларига мослаштирилади.

Вилоятда мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишлаш даражаси ҳам кам. Масалан, Косонсой ва Чортоқ мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлса-да, бирорта қайта ишлаш корхонаси йўқ.

Шу бос бу йўналишда 141 миллион долларлик 62 та лойиҳа ишга туширилди. Косонсой ва Попада йирик чорвачилик кластерлари ташкил этилади.

Шаҳар ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш вазифалари ҳам жуда муҳим. Бугунги кунда 200 минг аҳоли учун Янги Наманган шаҳри қурилмоқда. Энди Чуст ва Поп туманида 10 минг аҳоли учун "Янги Ўзбекистон" массивлари, яна 20 минг хонадонли турар-жойлар, IT-парк ва боғ барпо этилади.

Туманларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўллар қуриш ва таъмирлаш вазифалари белгиланди.

Вилоятдаги 16 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази негизда иккита — биринчи ва иккинчи Наманган тиббиёт марказлари ташкил этилади. Бунда шошилинч ва бошқа тиббий хизматлар, диагностика текширувлар ҳамда тор соҳа мутахассисларини бир жойга жамлаш, аҳолига туну кун хизмат кўрсатиш имкони яратилади.

Олий ўқув юртиларида таълим сифатини ошириш, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда муҳофизат қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, вазирлар ахборот берди. Видеоолақа орқали туманлар жа-

моатчилиги билан самимий мулоқот бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йилда Тўрақўрғон туманида Исоқхонов Ибрагимов ижод мактаби, боғ ва музей барпо этилган эди.

Шавкат Мирзиёев 2021 йилда Наманганлик сайловчилар билан учрашувда жадид бобомиз номида чет тиллари олийгоҳи ташкил қилиш мақсадини айтганди. Бу ҳаётга кўчиб, 2022 йилда Тўрақўрғон туманида шундай институт ташкил топди.

Институтда жаҳон тиллари факультети, 6 та кафедра ва 16 та таълим йўналиши бор. Ҳозирда икки босқичда 1 минг 523 нафар талаба сабоқ олмақда. Келгуси йилларда уларнинг сони яна ортади.

Шунинг учун Янги Наманган худудида 5 гектар жойда олийгоҳ учун янги кампус қурилмоқда.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Ҳозирда минг ўринли ўқув биноси, спорт зали, ошхона қад ростлаган. Уларни шу йил августда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Кейинги босқичларда талабалар ётоқхонаси ва яна бир ўқув биноси барпо қилиниши кўзда тутилган.

Президентимиз шу ерда Янги Наманган шаҳри босқичлари бўйича тақдимот билан танишди.

Унинг қурилиши икки йил олдин бошланган эди. Бугунги кунда 2 минг 764 та хонадонли кўп қаватли уй-жойлар барпо этилган, яна 648 та хонадонли уйлар қурилмоқда.

Бу шаҳар 200 минг аҳолига мўлжалланган. Унда боғча, мактаб ва бошқа ижтимоий муассасалар, иш ўринлари учун саноат зонаси бўлади. "Янги Ўзбекистон боғи" ҳам шу ерда барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари бу қўлайлик, хавфсизлик, сифатли эксплуатацияни

муҳассам этган "ақлли" шаҳар бўлиш кераклигини таъкидлади. Шу бос лойиҳани яна бир бор синчиқлаб кўриб чиқиб, сифат назоратини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган халқаро аэропортини модернизация қилиш лойиҳаси билан танишди.

Фарғона водийсидан мамлакатимиз воҳаларига доволан орқали ўтилади. Поезд қатновлари ҳамма йўналишларда ҳам эмас. Шу бос мазкур аэропорт инфратузилмасини янгилашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу тадбиркорлик, транспорт хизматлари ва туризм ривожига катта туртки беради.

Лойиҳа доирасида юк терминали, кейтеринг, ёнилғи қўйиш мажмуаси ва бошқа хўжалик бинолари қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, аэропортнинг йўловчи терминали қуввати соатига 1 минг нафарга етказилади. Юк терминали тадбиркорлик, экспорт ва транзит салоҳиятини оширади.

Шу билан бирга, махсус сервис техникалари паркни янгиланади. Бу истаган турдаги самолётларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имконини яратди.

Давлатимиз раҳбари аэропортнинг самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Маҳаллий ва халқаро рейсларни кўпайтириш, логистика имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Чипталар нархини аҳолига қўлай қилиш асосий вазифа этиб қўйилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Олий Махлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Женева шаҳрида Қўшилмаслик ҳаракати парламент тармоғининг "Иқлим ўзгаришига қарши курашишда парламент фаолиятини кучайтириш" мавзусидаги учинчи конференциясида иштирок этди.

Конференция

Ташкилотда иштирок этувчи парламентлар ва халқаро тузилмалардан 53 та делегация қатнашган анжуман довомида иқлим ўзгаришига қарши курашишда парламентлар ролини кучайтиришга қаратилган қатор стратегия ва ёндашувлар муҳофизат қилинди.

Шу билан бирга, иқлим ўзгариши жамоавий ҳаракатларни талаб қилмаган замонамизнинг глобал муаммоларидан бири бўлиб қолаётгани, бугун қабул қилинадиган қарорлар келажак авлодларга узоқ муддат таъсир кўрсатиши айтиб ўтилди.

"Иқлимга газларни" чиқиндиларини камайтириш, аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, барқарор экологик сийёсат соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган намунавий қонунларни ишлаб чиқиш бўйича парламентлар сайёҳаракатларини бирлаштириш лозимлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Махлис Сенати Раиси ўз нутқида жаҳон мамлакатлари парламентлари, биринчи навбатда, инсон омилнинг сайёҳарамизга салбий таъсирини имкон қадар камайтириш бўйи-

ча шошилинч чоралар қўриш учун масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини таъкидлади.

Айни чоғда экологик муаммоларни ҳал қилишда парламентлардан талаб этиладиган зарур жиҳатлар санаб ўтилди. Экология ва иқлим ўзгариши соҳасига доир қонун ҳужжатларини йўналтириш бўйича мамлакатлар парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, глобал ўртача ҳарорат ўсишини Целисий бўйича 2 даражадан паст кўрсаткичда ушлаб туришга эришиш ва Париж битимини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, Сенат Раиси "яшил" технологиялар ва тегишли инфратузилмага инвестициялар киритиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш зарурлигига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Конференцияда Қўшилмаслик ҳаракати парламент тармоғи бюроси ва доимий комиссияларини шакллантириш, шунингдек, халқаро ташкилотларга ҚХПТ ҳузурида қўзғувчи мақоми бериш тўғрисидаги ташкилий масалалар кўриб қаратилди.

Тадбир якунида унинг натижаларини сарҳисоб қилган ҳолда Женева декларацияси қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИЛҒОР ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Акс садо

Инсон манфаатлари йўлидаги бунёдкорлик ишлари, халқимиз турмуш фаровонлигини кўзлаб амалга ошириладиган ислохотлар замирида ҳаётнинг тараққиётини, шунингдек, одамларнинг ўз ҳаёти ва меҳнатидан рози-ризолигини таъминлашдек эзгу мақсад муҳассам.

Мақсадлар рўёбига шиддатли зamon билан ҳамқадамлик, хусусан, юртдошларимизнинг фаоллиги, ҳаётини ўзгартиришга йўналтирилган қимматли ташаббуслар, истиқболли фоя ҳамда



ишланмаларни дадиллик билан амалга ошириш орқали эришилади. Бу Президентимизнинг Наманган вилоятига наватдаги ташрифи довомида худудни янада ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли лойиҳалар билан танишуви чоғида ҳам яққол намоён бўлди.

Ўзaro мулоқотларда билдирилган очик ва самимий фикрлар юракларга чўғ ташлади, наманганликларнинг ҳар бирини янги-янги марралар ва гоғлар сари илҳомлантирди.

Мухбиримиз мулоқот иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

3-саҳифага қаранг. ➔

Хосен ПИЙДОВ оғоч суратлар.

ИЛГОР ТАЖРИБА ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ҲУДУД ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Янги вазифалар — янги имкониятлар


Азизбек АБДУРАСУЛОВ, Янги Наманган туманидаги «Gavhar Jewel Group» МЧЖ раиси:



Қўшимча 200 га яқин маҳаллий заргарлар кооперация асосида фаолият олиб бораётди. Натихада фаолияти торабора равнақ топиб бораётди.

Юксак эътибор фаолиятига кучли мотивация берди

Бахтиёр БЕКМИРЗАЕВ, Наманган туманидаги «Nammotor servis» МЧЖ раҳбари:



Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириб, иқтисодий ва амалга ошириладиган ислохотларда устувор ўрин тутди. Айтиш шунданки...

Маънавий поклик, хайр-саховат айёми

Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ, меҳнат фaҳрийси:



Ифтор инсон қадрини улғайтсун, ўсиб келаётган авлодни олийжаноб руҳда тарбиялашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Рамазон ойининг амаллари, бу ойда амалга ошириладиган хайрли ишлар ҳақида сўз юритилди.

Чиндан ҳам, халқимиз азал-азалдан бир-бирига таянч бўлиб, меҳрумурувват кўрсатиб яшашни оддийликнинг олий мезони деб билади. Айтиш шунданки...

КИМЁ — ЗАМОНАВИЙ САНОАТИНИНГ «КАТАЛИЗАТОРИ»

Инсониятнинг азалдан кимёвий ҳодисалар орқали оламшумул кашфиётлар яратгани тарихдан бизга яхши маълум. Кимёнинг дастлабки ривожланиш давридаги фикрлар, тасаввурлар, тадқиқотларни ўрганишда ўзбек олимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мушоҳада

Бугун қишлоқ ҳўжалигини оласизми, тоғ-кон комплекси ёки қурилиш, меъбел, нефть-газ ёхуд электрон ҳамда электротехника sanoati дейишсизми, ҳуллас, бирор-бир соҳа йўқки, кимё sanoati маҳсулотларининг истеъмолчиси бўлмаса.

Импортидан — Экспортига

Жаҳонда рўй бераётган воқеалар натижасида иқтисодиёт учун зарур хомашё ва маҳсулотлар нархи, уларни етказиб бериш харажатлари ошмоқда. Шунинг учун, энг аввало, ўзимиздаги хомашёни чуқур қайта ишлаб, рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш давр талабига айланган.

Шунингдек, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникаси каби тармоқларни драйверга айлантириш учун 3 млрд. долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноати хомашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари 3 баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги конлар аниқланди.

Юртимизда кимё sanoati учун мўл хомашё мавжуд. Ҳозирги кунда 3 млрд. долларлик лойиҳалар шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кимё sanoatini жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, кимё соҳаси — замонавий sanoatning «катализатори» бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқариш негизида кимёвий жараёнлар ётади, бу соҳасиз иқтисодиётда тараққий бўлмайдди.

Ўмуман олганда, лойиҳа тўла ижросини топиши билан ишлаб чиқариш ҳажми 500 млрд. сўмга етказилади. Эмалланган симнинг 90 фоиз экспортга йўналтирилади. Вилоятимизга ташир фюряган давлатимиз раҳбарини фаолияти билан яқиндан танишиб, кенг қўламадаги ишларимизни маъқуллади.

Мегаполиҳалар — Тараққийёт гарови

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан, полиэтилен, полипропилен, полистиролга хорижий давлатларда 100 млрд. доллардан

ортиқ ҳажмда эҳтиёж мавжуд. Бу эса биз учун яхши имконият. Шу сабабли, кимё sanoatida маҳсулот турларини диверсификация қилиш учун органик моддалар ишлаб чиқариш ва ноорганик моддалар бўйича 20 га яқин лойиҳаларни амалга ошириш қўзда тутилмоқда.

2021 йил 25 декабрь кунини Қашқадар виллоятининг Фузур туманида «Uzbekistan GTL» заводи очилиши кимё sanoatida туб бурилиш ясади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган нафта маҳсулоти ҳисобидан виллоятдаги «Шўртан газ-кимё» мажмуасининг ишлаб чиқариш қувватини 3 баробар кенгайтириш имкони яратилди.

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан, полипропилен, полистиролга хорижий давлатларда 100 млрд. доллардан ортиқ ҳажмда эҳтиёж мавжуд. Бу эса биз учун яхши имконият.

Шунингдек, корхона маҳсулотларидан хомашё сифатида фойдаланган ҳолда, корхона негизида алкилбензол, бутен ва гексен, синтетик мойлар, малени ангидрид, эмульсия оқшымчалар, катализаторлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 620 млн. доллар бўлган 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

амалга оширилди. Тармоқ корхоналарининг рентабеллигини кўтариш мақсадида бозор механизмлари жорий этилиб, нархни шакллантириш тартиби бутунлай қайта қўриб чиқилди. Натихада кимё тармоғи 2019 йилдан бери йилни 2-3 баробар кўп фойда билан яқунлаётгани эътиборга молик.

Едингизда бўлса, Президентимиз 2020 йил январь ойида парламентга йўллаган Мурожаатномасида ва Олий Мажлис палаталари қўша мажлисида кимё соҳасига алоҳида эътибор қаратиб, ҳукумат олдида уни модернизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

«Узбекистон Газ-Кимё» комплексида синтетик суюқ ёнилги, «Навоийазот» АЖда азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш заводлари қурилгани ҳам ютуқлар гарови бўлиб хизмат қилаётди.

«Узбекнефтгаз» АЖ билан биргаллик ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илгор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги — ютуқлар омили

Тараққийётнинг ҳозирги босқичида муҳим йўналишлардан бири кимё соҳаси экан, тармоқда таълим ва илм-фанни тақомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳим.

Албатта, кейинги йилларда соҳага қаратилган катта эътибор туфайли кимё sanoatida кучли ўзгариш юз берди. Ҳусусан, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё sanoatini янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори кимё sanoati корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга хизмат қилмоқда.



Қарорга биноан, кимё sanoatini янада ривожлантириш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ва тармоқни диверсификация қилишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳажми кенгайтириш мақсадида оптимизация қилиш, илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш бўйича қатор вазифалар қўйган эди.

«Узбекнефтгаз» АЖ билан биргаллик ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илгор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этилди.

«Узбекнефтгаз» АЖ билан биргаллик ва етакчи хорижий компаниялар иштирокида ҳамда илгор технологиялар ва замонавий инновацион ишланмаларни қўллаган ҳолда полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар барпо этилди.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги — ютуқлар омили

Тараққийётнинг ҳозирги босқичида муҳим йўналишлардан бири кимё соҳаси экан, тармоқда таълим ва илм-фанни тақомиллаштириш, замонавий кадрлар тайёрлаш жуда муҳим.

Албатта, кейинги йилларда соҳага қаратилган катта эътибор туфайли кимё sanoatida кучли ўзгариш юз берди. Ҳусусан, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё sanoatini янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори кимё sanoati корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш бўйича янги қувватларни барпо этишга хизмат қилмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 февралдаги «Кимё sanoati корхоналарини янада ислох қилиш ва молиявий соғломлаштириш, қўри қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

«Фаргоназот» АЖ ва «Дехқон-обод қалий заводи» АЖни хусусийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 декабрдаги қарори қабул қилинди.

«Фаргоназот» АЖ ва «Дехқон-обод қалий заводи» АЖни хусусийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 декабрдаги қарори қабул қилинди.

Республикада замонавий технолологиялар асосида «яшил водород» ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва иқтисодиёт тармоқларининг ушбу маҳсулотта бўлган талабини қондириш мақсадида Саудия Арабистонининг «ACWA Power Company» компанияси ва «Узкимёсанот» АЖ билан биргалликда жорий йилда «Maxam-Chirchic» АЖ негизида қуввати 3 минг тонна бўлган «яшил водород» ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланди.


Имкониятлар истиқболга йўл очади

Соҳадаги яна бир вазифа рақамлаштиришдир. Рақамли иқтисодиётга маълумат иқтисодиётининг келажоқ йўқ, Шунинг учун кимё sanoatida рақамлаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган.

«Узкимёсанот» АЖ корпоратив халқаро кредит рейтингини олиши ҳам қайд этилган. Шу боис кимё корхоналарида давлат улушини қисқартриш, трансформация қилиш, соҳага корпоратив бошқарув ва халқаро кредит рейтингини қўлга киритиш борасидаги ишлар юзасидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Узкимёсанот» АЖ томонидан кимё sanoatining инвестициявий жозибадорлигини янги даражага олиб чиқиб мақсадида «Fitch Ratings» ва «Moody's» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари билан халқаро кредит рейтингини қўлга киритиш бўйича шартномалар имзоланган.

Хотам САЙДАҲМЕДОВ, «Maxam-Chirchic» АЖ бошқарув раиси, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати.



Бугун — Халқаро театр куни

ҚАДИМ ИЛДИЗЛАРГА ЭГА САНЪАТ

27 март — Халқаро театр куни дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам ўзгача шуқуҳ билан нишонланади. Байрам баҳона миллий театримизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида мулоҳазалар юритилади, ютуқ ҳамда камчиликлар сарҳисоб қилинади, режалар тузилади.



лумотлар бу гипотезаларни ҳақиқатга яқинлаштиради. Бироқ инсон тафаккури ва истеъдодининг махсули бўлмиш бу гаройиб санъат тури қанчалик қадим, гўзал ва аҳамиятли бўлмасин, гўёки лувуллаб ёнган шамдек бир лаҳзада лип этиб, йўқликларга сингиб кетиши мумкин.

Шунинг учун бўлса керак, азал-азалдан бу сирли шуълага парвона кишилар ўз хайрат ва туйғуларини тошга, матога, қоғозга, ҳатто ҳайкал ва рўзгор буюмларига муҳраб қолдирганлар. Йиллар, асрлар, замонлар оша театр манзаралари шу зайл бизгача етиб келган. Бу манзара то росмана театршунослик илми бунёд бўлгунга қадар халқ озғани ижоди, мумтоз адабиёт ва тасвирий санъат (Шарқда миниатюра санъати) намуналарида ҳам зоҳир бўлиб турган. Хусусан, Мир Алишер Навоий ҳазратлари, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Форобий ва қатор мумтоз адибларимиз ижодида машоғу хофизлар, дорбозу кўзбойлағичлар, қизқичқо масҳарабоз, тақлидчию кўғирчоқбоз ва бошқа хўна эгаларининг ижро маҳорати ҳамда томошалари тасвирланган лавҳалар бисёр. Қадим замонлардан то шу кунгача бўлган салкам 3 минг йилга яқин даврни қамраб олган ўзбек театри тарихига бағишланган йирик тадқиқотларда ҳаттоки, баъзи мамлакатлар ҳали дунё харитасида йўқ бўлган даврлардаёқ заминимизда жуда катта цивилизациянинг ёрқин намунаси ҳисобланган томоша санъатининг ривожланганлиги илмий асосланган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида

театр соҳасини янада ривожлантириш борасида белгиланган вазифалар соҳани рағбат топтириш, театрларнинг моддий-техника базиси ва кадрлар салоҳиятини юксалтириш, халқимиз, айниқса, ёшларда театр санъатига қизиқшини кучайтиришга қаратилган яна бир муҳим қадам бўлди. Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига театр санъатини ривожлантириш бўйича кенг қамровли дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилди.

Дастурда тарихий ва замонавий мавзулар бўйича энг яхши пьеса учун ижодий бюромта бериш, драматургларга 50 миллион сўмдан қалам ҳақи тўлаш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг ривожланган давлатлар театрларида маҳорат оширишни йўлга қўйиш ҳамда ёш режиссёрларни кўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофотни таъсис этиш назарда тутилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, сўнгги йилларда Қорақалпоғистон театлари жамоаларига ҳам эътибор кучайди. Масалан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрига “академик” мақоми берилди, Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри ҳамда Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри жамоалари ҳар то-

монлама қулай, замонавий жиҳозланган, кўркем ва бежирим янги биноларга кўчиб ўтди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида тахсил олган профессионал ёшлар ҳар йили театр жамоаларига келиб қўшилмоқда. Албатта, булар жуда ижобий жараён.

Ҳозирги пайтда мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда мамлакатимиздаги профессионал давлат театрларида ҳар йили турли жанр ва мавзуларда 150 га яқин янги саҳна асарлари яратилади, ҳар бир театр бир мавсум мобайнида камидан тўрттадан янги спектакль тайёрлайди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг турли жойларида истиқомат қилаётган аҳоли билан кўллаб бадий кечалар, маънавий-маърифий учрашувлар уюштирилади. Лекин афсуски, ушбу қизгин ижодий жараён ва саҳналарда қўйилаётган спектаклларнинг кўпчилиги ҳақида кенг жамоатчилик тўлиқ маълумотга эга эмас.

Шу маънода, театр санъати оламида рўй бераётган жараёнлар, янгилик ва ўзгаришларни кенг томошабинлар оммасига етказиш ва уларнинг эътиборини жалб қилишда, оммавий-ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини эътироф этиш лозим.

Театр, авваламбор, кўпчилик санъат намоёндаларининг ҳамкорликдаги ижод махсуллари намоён бўладиган маскан. Биргина саҳна асарининг юзага келишида драматургдан тортиб дирижёргача, гримчидан тортиб чироқ устасигача бўлган бир неча ўнлаб ижодкорларнинг меҳнати бор. Мавжуд шарт-шароит, имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда янги давр пойдеворини куриш орасида астойдил интиланг фидойи замондошларимиз сиймолари акс этган оригинал саҳна асарлари яратиш мақсадида бирлашиб, ҳамкорликда ижод қилиш — миллий театр санъатимизнинг янада ривожланиши ва тараққи этишининг энг муҳим, асосий омилларидан биридир.

Омонулла РИЗАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси санъат арбоби, профессор.

Эътироф

«ЎЗБЕКИСТОНГА МАФТУН БЎЛДИМ»

Италиялик машҳур сопрано Тереза Спарако Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокировнинг «Мафтун бўлдим» кўшигини янги талқинда ижро қилди.

Ўзбекистон дипломатик миссияси ташаббуси билан италиялик сопрано Тереза Спарако томонидан куйланган «Мафтун бўлдим» кўшиги Неаполь худудий миллий телеканали — «Partenope TV» да эфирга узатилди.

Кўшиқ ижро этилган саҳнадаги йирик экранда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, қадимий обидалари ва шаҳарларига бағишланган видеолаваҳа намоёиш этилди.

«Ушбу кўшиқни куйлашимга Ўзбекистонга ва мамлакатимиз санъатига бўлган юқори қизиқишим сабаб бўлди. Бундан аввал ҳам Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси томонидан уюштирилган бир қатор маданий тадбирларда ўзбек куй-қўшиқларини ижро этганман», деди Тереза Спарако.

Маълумот учун айтиш жоиз, Тереза Спарако 1968 йил Казерта шаҳрида туғилган. У профессионал кўшиқчилар Мария Ранери, сопрано Глория Вардери, тенор Франческо Малапенадан таълим олган. Ижодий фаолияти давомида Неаполдаги Сан-Карло театри ва Казертадаги Кириллик саройида концерт берган. Шунингдек, Тереза Спарако «Caruso», «Amici della Musica» сингари маҳаллий ва халқаро танловлар совриндори ҳисобланади.

«Дунё» АА.
Рим

РЕКЛАМА

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

QUYIDAGI LAVOZIMLARGA TANLOV E'LON QILADI:

AMALIY MATEMATIKA VA INTELEKTUAL TEXNOLOGIYALAR FAKULTETI

Algoritm va dasturlash texnologiyalari kafedrasini

dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta.

Amaliy matematika va kompyuter tahlili kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Axborot xavfsizligi kafedrasini

katta o'qituvchi — 2 ta.

Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedrasini

dotsent — 1 ta.

Sun'iy intellekt kafedrasini

dotsent — 1 ta.

BIOLOGIYA FAKULTETI

Biofizika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Botanika va o'simliklar fiziologiyasi kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Genetika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Mikrobiologiya va biotexnologiya kafedrasini

stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Tuproqshunoslik kafedrasini

professor — 2 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta.

Zoologiya kafedrasini

o'qituvchi — 1 ta.

Odam va hayvonlar fiziologiyasi kafedrasini

stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

EKOLOGIYA FAKULTETI

Ekologiya monitoring kafedrasini

dotsent — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Ekologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

FIZIKA FAKULTETI

Fotonika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Umumiy fizika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Yadro fizikasi kafedrasini

dotsent — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

GEOGRAFIYA VA GEOAXBOROT TIZIMLARI FAKULTETI

Geodeziya va geoaxborot kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 2 ta.

Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya kafedrasini

professor — 1 ta.

Kartografiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Tabiiy geografiya kafedrasini

stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

GEOLOGIYA VA MUHANDISLIK GEOLOGIYASI FAKULTETI

Geofizikaviy tadqiqot usullari kafedrasini

dotsent — 1 ta.

Geokimyo va mineralogiya kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta.

Geologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 4 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Gidrogeologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

GIDROMETEOROLOGIYA FAKULTETI

Gidrometeorologiya va atrof-muhit monitoringi kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Quruqlik gidrologiyasi kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

IJTIMOY FANLAR FAKULTETI

Etika va estetika kafedrasini

professor — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Falsafa va mantiq kafedrasini

professor — 1 ta;
dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Huquqiy fanlar kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Ijtimoiy ish kafedrasini

o'qituvchi — 2 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Ijtimoiy psixologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 2 ta.

Pedagogika va umumiy psixologiya kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 2 ta.

Siyosatshunoslik kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta.

Sotsiologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Umumiy psixologiya kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

IQTISODIYOT FAKULTETI

Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasini

dotsent — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Makroiqtisodiyot kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 2 ta.

Mintaqaviy iqtisodiyot va menejment kafedrasini

dotsent — 1 ta.

Moliya va kredit kafedrasini

dotsent — 1 ta;
katta o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

JURNALISTIKA FAKULTETI

Audiovizual va internet jurnalistika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

KIMYO FAKULTETI

Analytik kimyo kafedrasini

dotsent — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Organik kimyo kafedrasini

katta o'qituvchi — 2 ta.

Polimerlar kimyosi kafedrasini

o'qituvchi — 1 ta.

MATEMATIKA FAKULTETI

Differensial tenglamalar va matematik fizika kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Geometriya va topologiya kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Matematik analiz kafedrasini

dotsent — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Mexanika va matematik modellashtirish kafedrasini

o'qituvchi — 1 ta.

O'ZBEK FILOLOGIYASI FAKULTETI

Fakultetlararo rus tili kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Kompyuter lingvistikasi va amaliy tilshunoslik kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 2 ta.

O'zbek adabiyotshunosligi kafedrasini

katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

O'zbek tilshunosligi kafedrasini

stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

TAEKVONDO VA SPORT FAOLIYATI FAKULTETI

Sport menejmenti kafedrasini

professor — 1 ta;
dotsent — 2 ta;
katta o'qituvchi — 5 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Taekvondo va sport faoliyati kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

TARIX FAKULTETI

Arxeologiya kafedrasini

o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Manbashunoslik va arxivshunoslik kafedrasini

dotsent — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

O'zbekiston tarixi kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

O'zbekistonning eng yangi tarixi kafedrasini

professor — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

XORIJY FILOLOGIYA FAKULTETI

Amaliy ingliz tili va adabiyotshunoslik kafedrasini

o'qituvchi — 1 ta.

Fakultetlararo ingliz tili kafedrasini

katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 2 ta.

Fransuz filologiyasi kafedrasini

professor — 1 ta;
katta o'qituvchi — 2 ta;
o'qituvchi — 1 ta.

Ingliz tilshunosligi kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta.

Tarjima nazariyasi va qiyosiy tilshunoslik kafedrasini

professor — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Nemis filologiyasi kafedrasini

o'qituvchi — 2 ta;
stajjer-o'qituvchi — 1 ta.

Xorijiy til va adabiyot kafedrasini

katta o'qituvchi — 1 ta;
o'qituvchi — 1 ta;
stajjer-o'qituvchi — 4 ta.

Tanlovda qatnashadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:

universitet rektori nomiga ariza;
xodimlarni hisobga olish bo'yicha shaxsiy varaqa (ma'lumotnoma);
oliy ma'lumoti to'g'risidagi diplomlar nusxasi;
ilmiy unvoni darajasi to'g'risidagi diplomlar nusxasi;
ilmiy ishlari ro'yxati (so'ngi 3 yil);
malaka oshirganligi to'g'risidagi guvohnoma nusxasi;
xorijiy til bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat nusxasi (xorijiy filologiya fakulteti o'qituvchilari uchun).

Hujjatlar e'lon chop etilgan sanadan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.

Manzil: 100174, Toshkent shahri, Universitet ko'chasi, 4-uy, O'zmuning xodimlar bo'limi. Telefon: 71-246-03-92.

Халқ сўзи Нар